

Feruz Z. KHOLMUMINOV,
*Researcher of the Department of Research on
Contemporary Islam of the Imam Maturidi
International Scientific Research Center.
A.Kadiri str.11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.
E-mail: dangeroux.93@mail.ru*

ИНДОНЕЗИЯГА ИСЛОМ ДИНИ КИРИБ КЕЛИШИНING ТАРИХИЙ БОСҚИЧЛАРИ

HISTORICAL STAGES OF THE SPREAD OF ISLAM IN INDONESIA

ИСТОРИЧЕСКИЕ ЭТАПЫ РАСПРОСТРАНЕНИЯ ИСЛАМА В ИНДОНЕЗИИ

КИРИШ

Ислом динининг Индонезияга кириб келиши ва тарқалиши тарихи бугунги кунда ҳам ушбу жараёнларни ўрганувчи олимлар ўртасида турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Бунинг асосий сабаби Индонезияда Ислом дини тарихини ўрганиш ривоятлар, йилномалар, шажаралар ва Ислом дини ривожланишига доир дostonларга асосланади. (А. Anzar, 2018:1149–1178). Ушбу тарихий манбалар Ғарб олимлари томонидан тарихий факт эмас, балки шунчаки афсона сифатида қаралади. Бу эса тадқиқотчиларни ушбу мавзудаги хорижий манбаларга мурожаат қилишга ундамоқда. Мавзу Ислом дини бўлишига қарамадан, манба сифатида асосан Ғарб тарихчилари томонидан олиб борилган тадқиқотларга мурожаат қилинмоқда. Ғарб тадқиқотчилари асосан минтақанинг соҳилбўйи ҳудудларига ташриф буюриб, мавзу доирасидаги тадқиқотлари учун турли қўлёзма ва тошбосма манбаларни асос қилганлар. Шунинг учун уларнинг тадқиқотлари фақат ушбу ҳудудлар билан чегараланган. Аммо уларнинг тадқиқотлари ороларнинг ички қисмида яшовчи маҳаллий аҳолининг ҳолати, уларнинг Ислом динини қабул қилиш жараёнларини тўлиқ очиб бермаган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Тарихий манбалардаги қарашларнинг ҳархиллиги туфайли тарихчилар ва тадқиқотчилар

Индонезияга ислом дини кириб келиши ва тарқалиши борасида турли назарияларни илгари сурганлар.

Биринчи назарияга кўра, Индонезияга ислом дини Ҳиндистоннинг Гужорат минтақасидан кириб келиши борасидаги қарашлар илгари сурилади. Бу назария Суматра оролидан топилган Самудра Пасай султонлиги ҳуқумдори бўлган Малик ас-Солих (1267–1297 ҳуқумронлик йиллари) ва Ява оролининг Леран Гресик ҳудудида аниқланган қабр тошларининг бир-бирига ўхшашлигига асосланади. Мазкур икки қабр тоши ҳам Ҳиндистоннинг Гужорат минтақасидан топилган қабр тошлари билан деярли бир хил кўринишга эга. (E. Lambourn, 2008:252–286).

Ушбу назария тарафдорларидан бири Сонук Хургронга кўра Индонезияга илк бор ислом динини олиб келган одамлар тўғридан-тўғри араб давлатларидан эмас, балки Ҳиндистоннинг кичик бир минтақаси бўлган Гужоратдан келганлар. (S.Hurgronue, 1908:70).

Ушбу ғоя тарафдори бўлган Сонук Хургрон ва бошқа олимлар ўша вақтлардаги асосий савдо йўли Гужорат ва Малабардан ўтганлиги учун Индонезияга ислом дини жанубий Ҳиндистондан кириб келган деб ҳулоса чиқарганлар. (А. Anzar, 2018:1149–1178).

Бундан ташқари, Лейден университети профессори Д. Пижнаппелнинг айтишича, XIV асрда (1325–1353) Суматра томонларга саёҳат қилган Марко Поло ва Ибн Баттута асарларида Индонезияга ислом дини кириб келиши икки йўл орқали амалга ошган: Форс кўрфазидан Ҳиндистоннинг ғарбий соҳилларига сўнгра Гужорат ва Малабардан Индонезия архипелагига. (J. Rijppappel, 1872:140). Бу фаразни Ж. Мокетте кўллаб-қувватлаган, унга кўра Самудра Пасай ҳуқумдори Малик ас-Солихнинг “1297 йил” рақами ёзилган, мармардан ишланган қабр тоши Ҳиндистонни Гужорат штатининг Камбе (бошқа номи Камбхат) минтақасида ясалган. Аммо бу фараз ишончли эмас, унда бир қанча муаммоли ҳолатлар мавжуд, шунга қарамадан бу қараш Р.Керн, Стапель, Х. Ван ден Берг, Х.Кроескамп ва бошқа индонезиялик ёзувчилар Прижохутомо, И.Симанджоентак ва Росихан Анварлар томонидан қабул қилинган. (J. Moquette, 1918:1–12).

Яна бошқа бир қарашни эса, Гроеневелт илгари сурган бўлиб унга кўра, Хитойдан Тан сулоласи ҳуқумронлиги даврига оид топилган манбада, Ташихлик баъзи одамлар Ғарбий Явадаги

Аннотация: Ислам дини ўрта асрларда дунёнинг жуда катта қисмига тарқалди. Жануби-Шарқий Осиё, хусусан, Индонезия ҳам бу жараёнлардан четда қолмади. Ислам динининг Индонезия архипелагига кириб келиши ва кенг тарқалиши IX–XVI асрларга тўғри келади. Бу тарихий жараёнларга савдогарлар, сайёҳлар, тасаввуф намойндалари, ҳарбийлар ва олимлар ҳам ўз таъсирини ўтказган дейиши мумкин.

Индонезия нафақат Жануби-Шарқий Осиёдаги балки бутун дунёдаги энг кўп мусулмон аҳоли истиқомат қиладиган давлатлардан бири саналади. Бу ҳудудлардаги маҳаллий аҳоли исломгача асосан буддавийлик, ҳиндуийлик, конфуцийлик ва бошқа турли маҳаллий кўпхудолик динларига эътиқод қилганлар. Ислам динининг Индонезия архипелагига кириб келиши ва минтақанинг асосий эътиқодий динларидан бирига айланиши бир неча аср давом этган. Минтақага ислом дини кириб келгандан сўнг маҳаллий аҳоли мусулмонларнинг маданияти ва бошқа динларга бўлган муносабатини кўриб бу динни илиқ муносабат билан кутиб олган.

Минтақага ислом дини кириб келиши борасида олимлар томонидан илгари сурилган бир қанча назариялар мавжуд. Мақолада ушбу назариялар ва улар тарафдорларининг қарашлари батафсил баён қилинган. Бундай назариялардан кенг тарқалганлари Индонезияга ислом динининг Ҳиндистон, араб савдогарлари томонидан, шунингдек, Хитой орқали кириб келгани борасидаги қарашлардир. Ислам динининг архипелагга кириб келиши борасида юқорида айтиб ўтилган ҳар бир назариянинг ўзига яраша далиллари ва тарихий манбалари мавжуд. Мақолада ушбу қарашлар ҳам ўрганиб чиқилди.

Индонезия архипелагига ислом дини кириб келгандан сўнг унинг кенг тарқалиб минтақанинг асосий динига айланишида самарқандлик олимлар ҳам катта ўрин тутган. Мақолада ушбу олимлар фаолияти ҳам ўрганилган.

Калит сўзлар: Индонезия, қўлёзма, Гужорат, ислом, ваянг, архипелаг, тошбосма, ярим орол, султонлик, мазҳаб, шофеъий, ҳанафийлик, сулола.

Аннотация: Ислам распространился на очень большую часть мира в средние века. Юго-Восточная Азия, особенно Индонезия, не осталась в стороне от этих процессов. Проникновение и распространение ислама на Индонезийском архипелаге относится к IX–XVI векам. Можно сказать, что купцы, туристы, мистики, военные и ученые также внесли свой вклад в эти исторические процессы.

Индонезия — одна из самых густонаселенных мусульманских стран не только в Юго-Восточной Азии, но и во всем мире. Коренные народы в этих областях исповедовали в основном буддизм, индуизм, конфуцианство и различные другие местные политеистические религии до ислама. После прихода ислама в регион местные жители тепло приветствовали религию, видя культуру и отношение мусульман к другим религиям.

Ученые выдвигают несколько теорий относительно проникновения ислама в регион. В статье подробно рассматриваются эти теории и взгляды их сторонников. Наиболее распространенной из этих теорий является точка зрения, что ислам был принесен в Индонезию через Индию, арабскими торговцами и через Китай. Эти взгляды также исследуются в статье.

Ученые из Самарканда также сыграли важную роль в распространении ислама в Индонезии. В статье также рассматривается деятельность этих ученых.

Ключевые слова: Индонезия, рукопись, Гуджарат, ислам, ваянг, источник, полуостров, архипелаг, султанат, мазҳаб, шафи, ханафи, династия.

Abstract: Islam spread to a very large part of the world in the Middle Ages. Southeast Asia, especially Indonesia, did not remain aloof from these processes. The penetration and spread of Islam in the Indonesian archipelago dates back to the 9th–16th centuries. We can say that merchants, tourists, mystics, military men, and scientists also contributed to these historical processes.

Indonesia is the most populous Muslim country in Southeast Asia. Indigenous peoples in this area practiced mainly Buddhism, Hinduism, Confucianism, and numerous other local polytheistic religions before Islam. The entry of Islam into the Indonesian archipelago and its transformation into one of the region's major religions continued for several years. After the arrival of Islam in the region, the locals warmly welcomed the religion, seeing the culture and attitudes of Muslims towards other religions.

Scholars have put forward several theories regarding the entry of Islam into the region. The article discusses in detail these theories and the views of their supporters. The most common of these theories is that Islam came to Indonesia through India, Arab traders, and China. Each of the above theories about the entry of Islam into the archipelago has its own evidence and historical sources. These views are also explored in the article.

Scholars from Samarkand also played an important role in the spread of Islam in Indonesia. The article also examines the activities of these scholars.

Key words: Indonesia, manuscript, Gujarat, Islam, wayang, source, archipelago, lithography, peninsula, sultanate, madhab, shafi'i, hanafi, dynasty.

Рату Сима ҳукумронлиги остидаги Холинг қироллигига ҳужумни бекор қилди, деб ёзилган. (U. Tjandrasasmita, 2009:12). “Таших” атамаси Гроеневелт томонидан арабча сўз эканлигига ва бу Ғарбий Суматра қирғоқларида истиқомат қилган мусулмон арабларга ишора қилиши илгари сўрилган. Унга кўра бу VII ёки VIII асрларда Суматрада араблардан иборат мусулмон жамоаси яшаганини исботлайди. Улар маҳаллий туб аҳоли билан биргаликда яшаган ва жамиятда ислом табиий ҳолатда тарқалган деб изоҳлайди. (Naquib Al-Attas, 1969:11). Бу эса ўз навбатида Индонезияда ислом динининг тарқалиши Хитой билан боғлиқ эканлиги борасидаги қарашни қўллаб-қувватлайди. Тан сулоласи даврига оид Хитой ҳақидаги ҳикояга кўра, ўша пайтда Суматрада Кантон, Ҳиндистон ва Арабистондан келган мусулмонлар жамоаси бўлган.

Бундай маълумотлар руҳоний ва саёҳатчи И Цзин (635-713) қайдларида ҳам ўчрайди. И Цзин 671 йилда Хитойдан, кейинчалик машҳур Шривижая қироллиги марказига айланган Палембангега, Бхога ёки Шрибога ёки Срибуза деб номланувчи портдан Муси дарёси орқали мусулмон кишига тегишли қайиқда йўлга чиққани ҳақида ёзган (V. Groeneveldt, 1960). Шунга ўхшаш қарашни Сайид Накиб ал-Атас ҳам илгари сўрган. У X–XI ва XV–XVI асрларга оид тарихий адабиётларда учрайдиган малай тилига арабча сўзлар билан киритилган тушунча ва атамалар аниқлангани борасида кўплаб фактлар борлигини айтади. Ушбу далиллар бу фараз тарафдорлари қарашларига кўра ислом дини Индонезияга араблар томонидан олиб келинганлигини қўллаб-қувватлайди. (I. Toshihiko, 1969:11).

НАТИЖА

Ўрганиб чиқилган қарашларни икки категорияга ажратиш мумкин: биринчи фаразга кўра, ислом Индонезияга тўғридан-тўғри араблардан эмас, балки Ҳиндистоннинг Гужорат минтақасидан кириб келган. Ушбу қараш асосан ғарб шарқшунос тарихчилари томонидан илгари сурилмоқда. Иккинчи фараз эса, исломнинг Индонезияга тўғридан-тўғри араблар томонидан олиб келинганлигини илгари суради. Бу фикр мусулмон тарихчилари бўлган Ҳамка, Ука Тжандрасасмита ва Сайид Муҳаммад Накиб ал-Атаслар томонидан олға сурилган.

Шу ўринда Ҳамканинг Индонезияга ислом дини қаердан келганига доир баъзи қарашларини

айтиб ўтиш жоиз. Биринчиси, шофёрийлик мазҳаби фикҳи Индонезияда энг асосий ҳисобланади, VII–XVIII асрларда Маккада ҳам ушбу мазҳаб устун бўлган. (M. Wulf, 2001:45–48). XIX–XX асрлардан ҳамбалийлик ва моликийлик мазҳаблари устунлик қила бошлаган. Иккинчиси, Хулафои Рошидинлар давридан бошлаб Уммавийлар сулоласи даврида VII асрда ҳам Жануби-Шарқий Осиёга араблар ва кўплаб хитойлик сайёҳлар ташриф буюрган. Сайёҳларни бу ерларда “Negri di atas angin” ва “negeri di bawah angin” деб номлашгани ҳам айтилади (Hamka, 1963).

Яна бошқа бир қизиқарли фараз – Индонезиянинг филология ва исмология бўйича биринчи мутахассиси Хусайн Джаядинингратнинг қарашидир. У мавжуд далилларга асосланиб Индонезияга ислом дини форс минтақаларидан, хусусан, Эрондан кириб келганлигини айтади. Унинг далиллари келиб чиқиши форсча бўлиб, кейинчалик ўзгартирилган Баҳаса тилида (индонезия тили) топилган сўз ва сўз бирикмаларга асосланади. Шунингдек, келиб чиқиши Эронга боғлиқ бўлган исломий тасаввуф тариқатларига эргашиши учун Индонезияда кўплаб йўллар мавжудлигини айтади (H. Jayadiningrat, 1986).

Хусайн Джаядинингратнинг бу илмий фарази Индонезияда ислом дини таракқиётида самарқандлик олимларнинг ролини асослашга ҳам далил бўлиб хизмат қилиши мумкин. Чунки, Самарқанд аҳолиси тарихан икки тилда гаплашиши билан ном таратган. Айниқса, XIII–XV асрларда форс тилининг ўрни юқори бўлган. Мавлоно Иброҳим Самарқандий ва унинг оиласи ҳам самақандлик бўлганини ҳисобга олинса, мусулмон аҳоли орасида форсий атамаларнинг тарқалишида улар муҳим ўрин тутганини айтиш мумкин.

МУҲОКАМА

Индонезиялик мусулмонларнинг исломни қабул қилиши борасидаги биринчи муҳим далиллар Индонезиянинг катталиги бўйича иккинчи ўринда турувчи энг ғарбий оролларида бўлган Суматранинг шимолий минтақаларида учрайди. Венециялик сайёҳ Марко Поло (1254–1324) 1292 йилда Хитойдан уйга қайтаётиб Суматра шаҳрига кириб ўтади, шунда Перлак мусулмонлар шаҳри эканлигини, аммо унинг яқинидаги икки шаҳар Пасай ва Суматра эса, бундай эмаслигини ёзади. (Ira Lpides, 1988:469). Самудранинг биринчи мусулмон ҳукумдори Малик ас-Солихнинг 1297

йилга оид қабр тоши топилган (M.C. Ricklefs, 1993:х). Бу индонезия-малай ҳудудларида мусулмон сулоласи ҳукмронлик қилганининг дастлабки яққол далилидир. Топилган бу каби бошқа қабр тошлари эса, XIII аср сўнгидан бошлаб шимолий Суматра минатқаси ислом дини ҳукмронлиги остида бўлганлигини тасдиқлайди. Ўрта асрларнинг энг кўп саёҳат қилган сайёҳи ва “араб Марко Полоси” номи билан танилган марокашлик сайёҳ Ибн Баттута (1304–1378), 1345–1346 йилларда Хитойга қилган сафарида Самудра орқали бориб келган ва у бу ернинг ҳукмдори ислом дини шофеъийлик мазҳабининг содиқ тарафдори бўлганини ёзиб қолдирган. Бу илк даврлардан бошлаб минтақада кўпчилик амал қилувчи асосий мазҳабнинг мавжуд бўлганилигини тасдиқлайди (A. Anzar, 2018:1149–1178). Аммо бу Индонезия архипелагида бошқа уч мазҳаб ханафийлик, моликийлик ва ханбалыйликнинг бўлмаганини асосламайди (A. Johns, 1993:50).

Маркл Поло Перлакнинг исломни қабул қилгани ҳақида айтган (Marko Polo, 1918:461), Самудра эса, мусулмон сулоласи сифатида қаралган бўлсада, XV аср бошларида ислом эътиқодини қабул қилиш учун биринчи муҳим ва туртки берувчи куч Малакка қироллиги бўлган. 1405 йилда энг катта суматралик ҳинд-буддавийлари подшолиги Шривижаянинг собиқ ҳукмдори Искандар томонидан ташкил этилганидан бошлаб то 1511 йилда португалиялик адмирал Алфонсо де Албукерке (1453-1515) томонидан босиб олингунига қадар Малакка Жануби-Шарқий Осиёнинг асосий савдо марказларидан бири ва янада аҳамиятлиси Жануби-Шарқий Осиёнинг “Маккаси” ҳамда ислом динининг минтақадаги маркази бўлган. Малаккадан Гужорат, Бенгалия, Хитой ва Индонезиянинг бошқа оролларида кемалар сузиб келган. Малакканинг иқтисодий ва сиёсий мавқеи мустаҳкамланиб боргани сари бутун минтақага ислом дини тарқалишига таъсир кўрсатувчи марказга айланди (A. Azhar, 2010:4).

1474 йилга келиб, Паханг, Кедах ва Патани ҳукмдорлари исломни қабул қилади, айни вақтда ислом Суматрадаги Рокан, Сиак, Кампар ва Индрагирига ҳам етиб боради. 1414 йилларда явалик талабалар Малаккага мусулмон ўқитувчилардан дарс олиш учун келар эди. XV асрнинг ўрталарига келиб эса, Ява, Демак, Тубан, Маура ва Сурабая каби князликлар ҳам исломни қабул қилади. Бу ўзгаришларни Явадаги энг катта ҳиндуийлар давлати бўлган Мажапахит қироллиги

билан ички рақобат натижаси сифатида изоҳлаш мумкин. Ислом динининг янада кенгайиши XVI–XVII асрлар бўлди, бу португал ва голланд христианларининг минтақага кучли таъсири даврига тўғри келди. Вақт ўтиши билан Ява, Суматра, Бруней, Малай яриморали, Калимантан ва ҳатто “зираворлар ороли” номи билан танилган узоқ шарқдаги Малуку оролларида ҳам ислом дини тарқалди.

Баъзи тадқиқотчилар ислом динининг Индонезия архипелагига тарқалишини “юқимли касаллик” деб баҳолайди (A. Anzar, 2018:1149–1178). Бу қарашни Индонезиянинг баъзи минтақаларидаги мусулмонларни ўта мутаассиб эканлиги билан изоҳлайди. Шимолий Суматранинг баъзи минтақаларидаги мусулмонларда мутаассибликка мойиллик кучли бўлишига қарамасдан, бу қарашни буткул тўғри деб бўлмайди. Исломнинг минтақада муваффақиятга эришиши унинг маҳаллий урф-одат ва анъаналарга юқори мослашувчанлик хусусияти билан боғлиқ. Чунки исломни бу жойларга кириб келишининг дастлабки даврларида маҳаллий аҳолининг деярли барча қатлами уни ҳиндуийликка рақиб сифатида эмас, балки илоҳий шафоатга эришишнинг кўшимча манбаси сифатида кўрганлар.

Маҳаллий урф-одатлар ислом дини тарқалишида катта ўрин тутганини тарихий далиллар билан исботланган. Масалан, дастлабки даврларда мусулмон даъватчилар аҳолига динни етказишда миллий театр санъатининг ажралмас қисми бўлган “Ваянг” соялар ўйини кўғирчоқ театрларидан фойдалангани манбаларда айtilган. Бундан ташқари, Ислом динининг Индонезиядаги кўриниши Яқин Шарқдагидан анча фарқ қилади. Бу фарқни намоёиш қилувчи далил сифатида оддий дафн маросимларини келтириш мумкин.

Исломнинг ушбу ҳудудларга ёйилиши борасида олимлар икки фаразни илгари суради: биринчиси, Эдвард Гиббон, Жозеф Гаер, Жеймс Де Уайлд каби олимлар қарашини бўлиб, улар исломни бу минтақаларга тарқалиши қилич кучи билан амалга оширилганини айтади (A. Azhar, 2010:3). Аммо бу фаразни исботловчи далиллар етарли эмас. Иккинчиси эса, ислом динининг Индонезияга кириб бориши ва кенг тарқалиши урушларсиз, тинчлик йўли билан амалга ошганлиги тўғрисидаги назариядир. Буни кўплаб тадқиқотчилар ўз ишларида тасдиқлаганлар. Ушбу қараш тарафдорларидан бири Р. Керн ислом Индонезия ҳудудларига тинч йўл билан кириб келганини ва маҳаллий аҳоли

ўз ихтиёри билан бу динни танлаганини илгари суради. Арнолд бу ҳақида шундай ёзади: “Улар мусулмонлар XVI асрдаги испан босқинчилари сингари ғолиб сифатида келмади, қиличдан динга киритиш воситаси сифатида фойдаланмади, маҳаллий туб аҳолини камситиб, уларга зулм ўтказиш мақсадида ўзларини устун қилиб, ҳукмрон ирқ мақомини бермаган, шунчаки савдогарлар сифатида келиб улар юқори даражали ақл-салохияти ва маданиятидан обрў ва бойлик тўплаш воситаси сифатида эмас, балки ўз динларига хизмат қилиш йўлида фойдаландилар” (A. Anzar, 2018:1149–1178).

Индонезияда мунтазам ўтказилувчи “Динлар ва тинчлик” конференцияси доирасида тўпланган маълумотларга кўра, мамлакатда 245 та атрофида норасмий диний конфессиялар фаолият юритади. Шу муносабат билан Индонезия конституцион судининг 2017 йилдаги қарорига кўра ҳар бир фуқаронинг диний мансублиги унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатида акс этиши лозим. Қонунчиликка кўра, фуқаро бу қисмни бўш қолдириши ҳам мумкин. Ҳукумат агностиклик ёки атеизмни тан олмайди, шунингдек, динларга қарши чиқиш ёки шаккоклик ноқонуний фаолият ҳисобланади.

Ислом кириб келгунига қадар минтақа аҳолиси асосан буддавийлик ва ҳиндуийликка эътиқод қилган (R. Kinney, 2003:21–25). Дастлабки даврларда исломнинг ушбу минтақаларда тарқалиши жуда секин кечган, кўпчилик олимлар асосий ёйилиш даври сифатида XIV аср сўнги XV аср ўрталаригача бўлган даврни келтиради. Кўплаб олимларда бу ҳолат бўйича қандай қилиб бир неча аср давомида тарқалиши қийин кечган ислом дини 40–50 йиллик қисқа бир тарихий давр мобайнида бундай шиддат билан кенг ёйилди, деган ўринли савол пайдо бўлган. Бунга таъсир кўрсатган бирқанча омилларни келтириш мумкин, хусусан Малакка султонлиги ва Малай яриморлидаги бошқа бугунги исломий ҳукуматларнинг кучайиши, шунингдек, савдо-сотиқнинг ривожланиши, денгизлар устидан ҳукмронлик учун олиб борилган шиддатли жанглар, хориждан келган даъватчиларнинг фаолияти ҳам жараёнга туртки берган (A. Kahin, 2015:4). Мазкур жараёнлар қисқа вақт ичида минтақада ислом динининг кенг миқёсда тарқалишига сабаб бўлди.

Соҳа мутахассислари томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра XIV–XV асрларда ислом динининг Индонезия оролларида тезлик билан

ёйилишида асли самарқандлик бўлган олимларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлган. Жорж Коедаснинг ёзишича, Индонезияда ислом дини кенг ёйилишига катта таъсир кўрсатган самарқандлик олимлардан бири Мавлоно Малик Иброҳим ас-Самарқандийдир. (J. Coedes, 1968:424). Иброҳим Самарқандий асли самарқандлик бўлган, Индонезия халқи орасида Шайх Жумадул Кубро ёки Жамолиддин Акбар ал-Ҳусайний номлари билан танилган Мавлоно Ҳусайн Жумадил Кубронинг ўғли эканлиги манбаларда келтирилади. Жумадил Кубронинг шажараси борасида уни Пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломнинг набираси бўлган Ҳусайн ибн Али (р.а.)нинг 10 авлоди бўлгани нисбаси берилади. Бу икки олим ҳам Жануби-Шарқий Осиё минтақаларида ислом дини кенг тарқилашига катта ҳисса қўшган “Валий Санга” деб номланувчи тўққиз шайхдан иборат олимлар халқасига киради. Маълумотларга кўра, Иброҳим Самарқандий биринчилардан бўлиб Индонезияда ислом дини таълимотларини ўргатувчи диний мадраса-мактаб ташкил қилгани тўғрисида манбаларда келтирилган. Бугунги кунда ҳам Индонезия Республикасида унинг номи билан аталувчи университет ва институтлар фаолият юритади.

Тадқиқотчилар асарларида айтилишича, дастлаб Ява оролига мавлоно Жумадил Кубро ўзининг икки ўғли Мавлоно Иброҳим Самарқандий ва Мавлоно Исҳоқлар билан келади. Сўнгра улар ажралиб, турли томонларга тарқалиб кетадилар. Манбаларга кўра, Жумадил Кубро Ява оролида қолади, Иброҳим Самарқандий Чампага (Ҳозирги Вьетнам ҳудудлари), Мавлоно Исҳоқ эса, Суматра оролининг шимолий худуди бўлган Пасайга жўнаб кетади.

Уларнинг кейинги ҳаётлари тўғрисидаги маълумотлар турлича, баъзиларига кўра, Иброҳим Самарқандий табиблик билан шуғуллангани, маҳаллий деҳқонларга деҳқончилик маданиятини ўргатгани, маҳаллий ҳукмдорлардан бирининг қизи билан оила қуриб, ундан икки фарзанд кўриб сўнгра ўз оиласини ташлаб, Ява оролига қайтгани тўғрисида маълумотлар учрайди. Унинг кейинчалик Гресик деб номланувчи жойда қўним топиб, умрининг сўнги кунларини шу жойда ўтказгани ва 1419 йилда вафот этгани айтилади. Ҳозирги кунда унинг мақбараси мавжуд бўлиб, маҳаллий аҳоли учун муҳим зиёрат масканларидан бири саналади.

Иброҳим Самарқандий кўплаб маҳаллий аҳолининг ислом динини қабул қилишига сабабчи

бўлгани манбаларда келтирилади. Бунинг асосий сабаби сифатида унинг савдогарлик фаолияти натижасида кўплаб зодагон кишилар билан танишгани, улардан ислом динини ёйишда катта ёрдам олгани келтирилади.

Иброҳим Самарқандийнинг кўрсатган кароматлари бугунги кунгача оддий халқ орасида оғиздан-оғизга ўтиб юради. Унинг кароматли авлиё бўлганига кўпчилик ишонади (Ummu Akbar, 2009). Унинг отаси ҳам халқ орасида эъзозли шахс бўлиб, унинг макбараси аҳоли томонидан мунтазам ташриф буюриладиган зиёрат масканига айлантирилган.

Индонезия Республикасида ислом дини, нақшбандийлик ва кубравийлик каби тасаввуф тариқатлари тарқалишида XIV–XV асрларда самарқандлик олимларнинг ўрни бекиёс бўлган. Уларнинг номлари бугунги кунда ҳам улуғланади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ислом динининг архипелагга кириб келиб, минтақанинг асосий эътиқодига айланиши тарихини уч босқичга ажратиш мумкин: биринчи босқич, 622 йилдан то 1100 йилгача, иккинчи босқич, 1100–1500 йиллар, учинчи босқич эса, 1500 йилдан то бугунги кунга қадар бўлган даврни қамраб олади.

Биринчи босқичда мусулмонлар ва ислом дини архипелагга турли мақсадда келган савдо кемалари, элчилар ва сайёҳлар орқали танила бошлаган. Буни Ҳинд океани денгиз бўйи минтақаларининг ўзаро савдо алоқалари натижаси дейиш мумкин. Тарихий манбаларга кўра Фарбий Осиё ва Шарқий Осиё ўртасидаги ўзаро савдо алоқалари ислом дини пайдо бўлган VII асргача ҳам фаол амалга ошириб келинган.

Яман ва Форс кўрфази савдогарлари муссон шамолларига эргашиб Малабар қирғоқларига, у ердан Шри-Ланка, Ява ва Суматра ороллари борганлар. Бу савдо алоқалари ислом дини пайдо бўлгандан сўнг янада жадаллашган. Аббосийлар сулоласи халқаро савдо муносабатлари ривожланишини қўллаб-қувватлаган.

Ислом динининг архипелагга кириб келиб минтақанинг асосий эътиқодига айланиши тарихининг иккинчи босқичи сифатида қаралаётган 1100–1500 йилларда Индонезияда ислом кенг тарқалиб улгурди. Исломнинг архипелагга тарқалишининг иккинчи босқичи 400 йил давом этди.

Бу жараён Суматрадан бошланиб кейинчалик Ява, Малайя, Борнео, Сулу (Минданао), Сулавеси ва Лузонда (Манила) бўйлаб давом этган. Бу даврда архипелагдаги ислом ибодатдан кўра, кўпроқ рухиятга йўналган маънавий дин эди. Янги диннинг аҳоли томонидан қабул қилинишига туртки берган омиллардан бири ҳам исломни ибодатдан кўра рухиятга катта урғу берган маънавий дин сифатида намоён қилиниши эди. XIV асрда Суматрада пайдо бўлган сўфийлик тариқатлари ислом динининг минтақа бўйлаб тарқалишига сабаб бўлган. Пасай шахри исломий илмлар марказига айланган.

Архипелагда ислом тарқалишининг учинчи босқичида 1500 йилдан то бугунги кунгача аввалги босқичларда бошланган жараённинг мустақамланиши давом этмоқда. Бу давр нафақат маҳаллий аҳолининг динни қабул қилиши балки маданият ва адабиёт соҳасида ҳам исломнинг ўрни юксалиши билан ажралиб туради. Ислом динининг малай тилига таъсири катта бўлди. Покистон ва Ҳиндистонда туркий халқларнинг маданий таъсири натижасида янги–урду тили пайдо бўлган бўлса, Индонезия ва Малайзияда сўфийлар ва мусулмон уламоларнинг таъсири натижасида малай тили катта ўзгаришларга учради. Қуръон талаффузини осонлаштириш мақсадида малай тилига янги алифболар киритилди. Арабий ва форсий сўзлар тилни янада бойитиб, унинг фойдаланиш қамровини фалсафа, илоҳиёт, балоғат, ва бошқа фанлар доирасида кенгайтириб, малай халқларининг халқаро мусулмон биродарлигига интеграциялашувига ёрдам берди.

Шунингдек, учинчи босқич архипелагда европаликларнинг пайдо бўлиши билан ҳам ажралиб туради. Биринчи бўлиб кириб келган португаллар 1512 йилда муҳим савдо минтақалари бўлган Малакка бўғозларини ҳарбий куч билан эгаллаб олади. Малакканинг қулаши маҳаллий олимларни бошқа оролларга кўчиб ўтишга мажбур қилди, бу эса, ўз навбатида, исломнинг бошқа минтақаларда ҳам тарқалишига сабаб бўлди.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Kinney, R. Klokke, J., Kieven, L. *Worshiping siva and buddha: the temple art of east java*. University of Hawaii Press, 2003.
2. Kahin, A. *Historical dictionary of indonesia*. Rowman & Littlefield Publishers, 2015.
3. Anzar, A., Suardi, I. *Origins of islam in indonesia*. International Journal of Pure and Applied Mathematics. Indonesia, 2018.

4. Lambourn E. Tombstones, texts, and typologies: Seeing sources for the early history of Islam in Southeast Asia. *Journal of the Economic and Social History of the Orient*, 2008. vol. 51.
5. Groeneveldt W.P. Notes in the malay archipelago and malacca. 1879. second series, vol. 1,
6. Reprinted from *Verhandeling van het Genootschap van Kunsten en Wetenschappen*, vol. 39.
7. Hourani G.F. Direct sailing between the persian gulf and china in pre-islamic times, *JRAS*, 1947.
8. Hourani G.F. Arab seafaring in the indian ocean in ancient and early medieval times. *Princeton oriental studies*, 1935.
9. Hsu Yun-Ts'iao. Notes on the account of siam in ming shih, *siam oversea-chinese weekly*. – Bangkok. 1938. vol. 1.
10. Ibn Khurdadhbeh. *Kitab al-masalik wa'l-mamalik, liber viarum et regnorum...* edited... M.J. de Goeje. – Leiden. 1889.
11. Hurgronje S. L, *Arabie et les indes neerlandaises. Versprede Geschriften*, 1911. vol. 4, bag. 2.
12. Hurgronje S. *Revue de l'histoire des religions*, tahun ke 29, bag. Ke-57, 60–80.
13. Wink, A. *Al Hind: The making of the indonesian Islamic world*. 1991. Vol. 1.
14. Drewes J. “Pemahaman baru tentang kedatangan islam di indonesia” dalam ahmad ibrahim, sharon shiddique, dan yasmin hussain (eds.), *Islam di Asia Tenggara: Perspektif Sejarah, terjemahan* – Jakarta: LP3ES, 1989.
15. Pijnappel J. *Over de kennis, die de arabieren voor de komst der portugezzen van den indischen archipel bezaken*. 1872. bki 19.
16. Coedes G. *The indianized states of southeast asia*. University of Hawaii Press, 1968.
17. Jan Gonda. *Handbook of oriental studies. Section 3 Southeast Asia, Religions*. BRILL Academic, 1975.
18. Nina Nurmila. Jajat Burhanudin, Kees van Dijk (ed.). *Islam in Indonesia: contrasting images and interpretations*. Amsterdam University Press, 2013.
19. Nallino Carlo Alfonso. *Arabian astronomy: its history during the medieval times*. – Rome. 1911.
20. Akbar U. *The interesting stories of 9 promoters of islam in indonesian*. – Bandung: Mizan, 2009.
21. Martin van Bruinessen. *Traces of Kubrawiyyah influence in early indonesian islam*. *Bijdragen tot de taal, Landen Volkenkunde*. 1994. P. 150.
22. Wheatley P. *Chinese sources for the historical geography of malaya before a.d. 1000*. *MJTG*. 1956. vol. 9.

